

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МУРАДОВ САНЖАР АСЛОНОВИЧ

ФАРИДУДДИН АТТОРНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ҒОЯЛАРИ

09.00.03 – Фалсафа тарихи

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро - 2021

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on philosophical sciences**

Мурадов Санжар Аслонович

Фаридуддин Атторнинг ижтимоий-фалсафий ғоялари 5

Мурадов Санжар Аслонович

Социально-философские идеи Фаридуддина Аттора 19

Muradov Sanjar Aslonovich

Social and philosophical ideas of Fariduddin Attor..... 35

Эълон қилинган ишлар

Список опубликованных работ

List of published works 39

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/27.02.2020.F.72.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

МУРАДОВ САНЖАР АСЛОНОВИЧ

ФАРИДУДДИН АТТОРНИНГ ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ҒОЯЛАРИ

09.00.03 – Фалсафа тарихи

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.PhD/Fal410 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Наврўзова Гулчеҳра Неъматовна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шодиев Рустам Тоҳирович
фалсафа фанлари доктори, профессор

Ахмедова Зебинисо Азизовна
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат шарқшунослик университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.F.72.08 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил "8" июль соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865221-29-14; факс: +99865221-29-14, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 63 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865221-29-14).

Диссертация автореферати 2021 йил "23" июнь куни таркатилди.
(2021 йил "23" июнь даги 2 рақамли реестр баённомаси.)



Шодмонов К.Б.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси ўринбосари,
фалсафа фанлари доктори,
профессор

Шарипов А.З.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
фалсафа фанлари номзоди, доцент

SKJ

Саломова Ҳ.Ю.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон халқлари маънавий-ахлоқий қиёфасининг такомиллашувида ижтимоий-фалсафий, диний-ирфоний, гуманистик муаммоларни ўрганишга, бугунги ахборот ривожланган даврда жамият аъзоларини, айниқса, ёшларни маънавий-ахлоқий ғоялар орқали умуминсоний кадриятларга бўлган позитив муносабатини мустаҳкамлашга доимий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, тасаввуф таълимотининг тараққиётига салмоқли ҳисса қўшган мутасаввиф Фаридуддин Аттор таълимотидаги камолот босқичлари, ижтимоий борлиқда инсоннинг ўз-ўзини англаш структураси, устоз ва шогирд одоби, ахлоқий тамойиллар, футувват ғоясини таҳлил қилиш глобаллашув жараёнида кенг илдиз отган “эгоизм”, “ахлоқий бузуклик”, “ксенофобия” каби иллатларга қарши курашишда конструктив аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон илм-фанида Шарқ мутафаккирларнинг маънавий меросини ўрганиш бўйича кенг қамровли изланишлар олиб борилмоқда. Бундай тадқиқотлар бугунги кун маданий интеграция жараёнларининг ривожланиши, умуминсоний фалсафий анъаналарни сақлаб қолиш учун постгуманистик мазмун-моҳият касб этмоқда. Жумладан, Фаридуддин Аттор асарларидаги комил инсон тарбияси, гўзал инсоний фазилатлар, ақл ва муҳаббат уйғунлиги, ижтимоий борлиқда тинчлик, аҳиллик, хотиржамлик, тотувликни таъминлаш масалаларига оид қарашларни тизимли таҳлил қилиш ва шу йўналишда илмий тадқиқотларни амалга оширишни тақозо қилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган илмий, маънавий, маданий соҳалардаги ислохотлар натижасида жаҳонга машҳур алломаларимиз, мутафаккирларимиз илмий-маънавий меросини, уларнинг ижтимоий-фалсафий ғояларини ўрганишга катта эътибор берилмоқда. “Буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим”¹. Шу нуқтаи назардан, аждодларимиз маънавий меросининг ажралмас қисми ҳисобланган ижтимоий-фалсафий йўналишдаги тадқиқотларни амалга ошириш муҳим илмий-тадқиқот мавзуси бўлиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” фармонлари, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 4 сентябрдаги ПҚ-4436-сон “Диний-маърифий соҳа фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини

¹ Мирзиёев Ш.М. Ўқитувчи ва мураббийлар-янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир.// Халқ сўзи. 1 октябрь 2020 йил. №207 (7709).

тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тасаввуфшунослигида қатор олимлар Фаридуддин Аттор ижодига бағишланган тадқиқотлар олиб боришган. Хусусан, ғарб олимларидан Э. Браун, Дж.С. Тримингэм, Ҳ. Эте, Р. Хелмут, А. Шиммель, Г. де Тасси, Я. Рипка, А. Кныш, Л. Яковлев, К.Эрнст, Идрис Шоҳ, Е.Э. Бертельс, М.Т. Степанянц, И. Петрушевский, А. Крымский, А. Богоутдинов ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган².

Фаридуддин Аттор тўғрисидаги дастлабки маълумотлар Муҳаммад Авфи Бухорийнинг “Лубоб-ул-албоб”, Атомалик Жувайнийнинг “Тарихи Жаҳонкушо”, Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират-уш шуаро”, Маҳмуд Шабустарийнинг “Гулшани роз”, Абдурахмон Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс” асарларида берилган. Алишер Навоий Фаридуддин Атторнинг ижодидан баҳраманд бўлиб, унга “олижаноблик эгаси ва поклик қибласи” деб таъриф берган ҳамда мутасаввиф ҳақида қимматли маълумотларни ёзиб қолдирган³.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги файласуф олимларидан Лутф Озар, Б. Фурузонфар, С. Нафисий, А. Азом, А. Мухамедходжаевларнинг асарлари Фаридуддин Аттор ҳаёти, ижтимоий-фалсафий ғоялари, маънавий меросини таҳлил қилишда ўзига хос аҳамиятга эга⁴. Фаридуддин Аттор маънавий мероси тўғрисида М.У. Худжова, С.З. Зыкаева, М.Х. Умедов, М.А. Оқилова, М.З. Низомов, Ф.А. Каюмова, Реза Яздани М.А. Аземун, Ю.Е. Федоровалар томонидан илмий тадқиқотлар амалга оширилган⁵.

Мамлакатимизда Фаридуддин Аттор меросини ўрганиш бўйича қатор илмий ишлар бажарилган. Н. Комилов, С. Олим, И. Ҳаққул, Ҳ. Ҳомидий, Ж. Камол, М. Кенжабек каби филологлар томонидан Фаридуддин Аттор ижодининг айрим қирралари тадқиқ этилган⁶. Юридик фанлари доктори, профессор Акмал Саидовнинг Фаридуддин Атторнинг ижоди, унинг тафаккур хазиначилари ҳақида фикр юритадиган “Атторшунослик” асари ҳам

² Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. Перевод с английского. О.Ф.Акимовичина – М.: София ИД Гомес, 2002. 480 с.; Кныш А. Мусульманский мистицизм. Москва-Санкт-Петербург: Диля, 2004. -С 173; Идрис Ш. Суфии. - М.:Феникс, 2001.;

³ Алишер Навоий. Насойим ул-мухаббат. С. Рафиддинов таржимаси. Мукамал асарлар тўплами. 17 жилд. - Т.: Фан, 2001. – Б. 459-462.

⁴ Бадеуззамон Фурузонфар. Шаҳри ахвол ва нуқд ва таҳлили осори Фаридиддин Мухаммад Аттори Нишобурий. Техрон, 1339 х.;

⁵ Аземун М.А. Мистико-философские учение Фаридуддина Аттора: Автореф. дисс...канд. филос. наук. - Душанбе. 2012. - 24 с.; Федорова Ю. Е. Проблема истины в философской поэме Фари ад-дина Аттора «Язык птиц». Автореф. дисс...канд. филос. наук. – Москва, 2012. - 28 с.

⁶ Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: Movarounnahr-O’zbekiston, 2009. –Б. 310-333.

алоҳида таҳсинга сазовор⁷. Файласуф олимлардан Р. Шодиевнинг “Ахлоқи инсоний дар талқини Фаридуддин Аттор” рисоласи мутасаввиф фалсафий ғоялари тўғрисидаги муҳим манба ҳисобланади⁸.

Юқорида зикр қилинган муаллифларнинг асарлари Фаридуддин Аттор ижтимоий-фалсафий ғояларини янада самарали тадқиқ этиш учун пойдевор бўлиб хизмат қилади. Диссертация тадқиқотини ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон олимларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, Фаридуддин Атторнинг ижтимоий-фалсафий ғоялари махсус тадқиқот объекти сифатида ўрганилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бухоро муҳандислик-технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Демократик жамиятни барпо этиш ва баркамол инсонни шакллантириш” номли тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Фаридуддин Аттор асарларидаги ижтимоий-фалсафий ғояларни очиб бериш ҳамда ёш авлод тарбиясида фойдаланиш бўйича тавсиялар беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мутафаккир дунёқараши шаклланишининг методологик масалаларини ўрганиш;

Фаридуддин Аттор маънавий меросининг ижтимоий-ахлоқий таҳлилинини амалга ошириш;

мутафаккир онтологик қарашларининг ғоявий илдизлари: ворисийлик ва ўзига хосликни фалсафий жиҳатдан очиб бериш;

билиш ва ўз-ўзини англаш муаммоларининг Фаридуддин Атторга хос томонларини тадқиқ этиш;

мутасаввифнинг жамият ҳаёти учун зарурий фазилатлар ҳақидаги ғояларининг мазмун-моҳиятини илмий жиҳатдан асослаб бериш;

мутасаввиф қарашларидаги жамиятда аҳиллик ва тинчликни таъминлашда футувват таълимотининг ўрни каби масалаларни таҳлил ва тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объектини Фаридуддин Атторнинг асарлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети Фаридуддин Аттор асарларидаги ижтимоий-фалсафий ғояларни илмий асослаш билан белгиланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий билишнинг диалектик, комплекс, компаратив таҳлил, ретроспектив ва герменевтик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

Фаридуддин Аттор ижтимоий-фалсафий, маънавий-ахлоқий ва диний-ирфоний қарашларидаги “Аҳли пок” концепцияси жамиятда эгоизм, ахлоқий

⁷ Саидов А. Атторшунослик. Фаридуддин Аттор тафаккур хазиналари.../А. Саидов; масъул маҳаррир М. Кенжабеков. –Т.: Шарқ, 2013. - 384 б.

⁸ Шодиев Р. Ахлоқи инсоний дар талқини Фаридуддин Аттор. -С.:Ғафур Фулом, 1991. - 34 с.

бузуклик, коррупцияга нисбатан мурасиз муносабатни шакллантириш билан узвий боғлиқлиги “Мантиқ ут-тайр”, “Уштурнома” каби ирфоний-фалсафий манбалар асосида далилланган;

Фаридудин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” ва “Асрорнома” асарларидаги онтологик ва гносеологик қарашларининг ёшлар тарбиясидаги муҳим ўрни “муҳаббат” ва “маърифат” тушунчалар воситасида асосланган;

жамият ҳамжихатлиги учун зарур бўлган футувват масаласи ёш авлодни миллий қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялашдаги ўрни “Тазкират ул-авлиё” асари асосида далилланган;

ахлоқий фазилатлар “ақл”, “илм”, “ҳилм”, “шукр”, “сабр” категорияларининг диалектик алоқадорлиги, фаталистик ёндашув асосида жамият ҳаётидаги ўрни ҳамда инсонлар ўртасида интеграцион аҳамияти “Ҳаётнома” асари асосида очиқ берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Фаридуддин Атторнинг ижтимоий фалсафий қарашлари XIII аср фалсафий-ирфоний тафаккурига сезиларли ҳисса қўшганлиги ва бу унинг асарларидан олий таълим тизимидаги “Фалсафа”, “Диншунослик” ўқув фанларида фойдаланишга имкон бериши исботланган;

Фаридуддин Аттор таълимотидаги инсон тақдири ва эрки, шаъни ва ориятини ҳимоя қилувчи инсонпарварлик, адолат, бағрикенглик ғоялари ёш авлодга таълим-тарбия бериш, уларни маърифатга етаклашни қадрловчи назарий хулосалар, амалий тақлиф ва методологик тавсиялар ишлаб чиқилган;

мутасаввифнинг ижтимоий-ахлоқий ғояларидан “Тасаввуф” илмий мактабининг диний маърифат ва жамият, диний маърифат ва маҳалла, диний маърифат ва оила муносабатлари билан боғлиқ бой диний-маърифий мерос, сермазмун диний қадриятларнинг илдизлари бўлган аждодлар меросини ўрганиш ва оммалаштириш тадбирларида фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий қарашлар, тадқиқот усуллари ва ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, нашр этилган илмий мақолалар, республика ва халқаро конференциялардаги чиқишлари, тадқиқот иши юзасидан берилган хулосалар, тақлиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти умумбашарий цивилизация, миллий тараққиёт ва баркамол авлод тарбияси учун буюк алломаларнинг маданий-маънавий ҳамда илмий-назарий мероси, жумладан, Фаридуддин Аттор тасаввуфий-фалсафий мероси асосида ўрта аср тасаввуф тариқатлари, ижтимоий-фалсафий ғояларнинг генезиси, эволюциясини илмий, назарий-методологик жиҳатдан англашга имкон берганлиги, “Фалсафа”, “Тасаввуф назарияси ва тарихи”, “Диншунослик” фанлари мазмунининг назарий услубий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса, Фаридуддин Аттор тасаввуфий-фалсафий меросининг ижтимоий-фалсафий қарашлари бўйича

келажакда амалга ошириладиган илмий ишларда тадқиқ қилишда, “Маънавият ва маърифат” марказларининг тарбиялаш фаолиятида, Ёшлар Иттифоқи кенгаши томонидан ёшларни тасаввуфга оид адабиётларни мутолаа қилишда, телевидение орқали маънавий меросга дахлдор кўрсатувлар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фаридуддин Аттор маънавий меросида ижтимоий-фалсафий ғояларнинг таҳлилини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Фаридуддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” ва “Асрорнома” асарларидаги онтологик ва гносеологик қарашларининг ёшлар тарбиясидаги муҳим ўрни “муҳаббат” ва “маърифат” тушунчалар воситасида асосланганлигига оид илмий хулосалари ва янгиликларидан Бухоро вилоят ҳунармандчиликни ривожлантириш марказида бажарилган 66-12/192 рақамли “Ҳунар ризқ карвони” мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 19 августдаги 89-03-2885-сон маълумотномаси). Натижада талабаларда миллий ўзликни англаш, атроф-муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, бузғунчи ғояларга қарши муросасиз муносабатни шакллантиришга имкон берган;

Фаридуддин Аттор ижтимоий-фалсафий, маънавий-ахлоқий ва диний-ирфоний қарашларидаги “Аҳли пок” концепцияси жамиятда эгоизм, ахлоқий бузқлик, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш билан узвий боғлиқлиги “Мантиқ ут-тайр”, “Уштурнома” каби ирфоний-фалсафий манбалар асосида далилланганлигига оид илмий-назарий хулосаларидан Республика “Маънавият ва маърифат” марказининг 2019-2020 йилларда ўтказилган тадбирларида, жумладан, “Юртим тарихини ўрганаман” мавзусида маънавий-маърифий тадбирларни тайёрлашда, “Биз маърифатли ислом тарафдоримиз!” шиори остида туркум чораларни амалга оширишда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги “Узлуксиз маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш мақсадида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш” каби вазифалар ижросида фойдаланилган (Республика “Маънавият ва маърифат” марказининг 2020 йил 24 июлдаги 02/07-659-сон маълумотномаси). Натижада ахлоқ, маънавий фазилатлар, миллий тарбияда Шарқ мутафаккирларининг қарашларини кенг жамоатчилик орасида тарғиб этишга ижобий таъсир кўрсатган;

ахлоқий фазилатлар “ақл”, “илм”, “ҳилм”, “шукр”, “сабр” категорияларининг диалектик алоқадорлиги, фаталистик ёндашув асосида жамият ҳаётидаги ўрни ҳамда инсонлар ўртасида интеграцион аҳамияти “Ҳаётнома” асари асосида очиқ берилганлигига оид қарашларидан Ёшлар Иттифоқи Бухоро вилояти Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи фаолиятини кўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ПФ-5106-сон қарори билан тасдиқланган концепцияни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятининг устувор йўналишлари сифатида 2,3,4,5,6,10 бандларда белгиланган вазифаларни бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёшлар

Иттифоқи Марказий кенгашининг 2020 йил 20 августдаги 04-13/2232-сонли маълумотномаси). Натижада ёшлар фаоллигини оширишга, юксак маънавиятли, мустақил фикрлайдиган, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва чуқур билимларга эга ташаббускор ёшлар сафининг кенгайишига ҳисса қўшилган;

жамият ҳамжихатлиги учун зарур бўлган футувват масаласи ёш авлодни миллий қадриятларга содиқлик руҳида тарбиялашдаги ўрни “Тазкират ул-авлиё” асари асосида далилланганлигига оид илмий диссертация хулоса ва тавсияларидан Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг “Ассалом Бухоро”, “Ўзига ўхшайди ўзбек”, “Тил-миллат кўзгуси” каби кўрсатувларида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг 2020 йил 7 августдаги 1/159-сон маълумотномаси). Натижада Фаридуддин Аттор маънавий меросининг ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш, баркамол инсон бўлиб етишиш имкониятларини янада кенгайтирган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 15 та, жумладан, 3 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола (хусусан, 5 та республика ва 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 130 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, тадқиқотнинг амалий натижалари, усуллари, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорийланиши ва эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг тузилиши асослаб берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Фаридуддин Аттор ҳаёти ва маънавий меросининг ўзига хос хусусиятлари”** деб номланиб, унда Фаридуддин Атторнинг ҳаёт йўли, буюк мутафаккир сифатида шаклланишига таъсир этган омиллар, мутасаввиф томонидан ёзилган асарлар ва уларнинг ижтимоий-фалсафий мазмун-моҳияти таҳлил этилган.

Фаридуддин Аттор ҳаёти ва ижоди XII аср охири XIII аср бошларига тўғри келади. Бу даврда ижтимоий-иқтисодий алоқалар ривожланади, хунармандчилик тараққий этади, масжид, мадраса, хонақо, турли ижтимоий бинолар, саройлар, давлат муассасалари, бозорлар, ҳаммомлар қурилади бошланади. Иқтисодий-савдо муносабатлари, моддий маданият

шаклларининг ривож топиши маънавий маданият ва унинг турли шакллари ривожига катта таъсир кўрсатади.

Ушбу давр маънавий мухотида тасаввуфнинг таъсири катта бўлганлиги эътироф этилади. Тасаввуф тарихини икки даврга ажратиш мақсадга мувофиқ. Биринчи давр IX асргача бўлган зоҳидлик, таркидунёчилик кўринишидаги ибтидоий давр. Бу даврда такво ва вараъ бош мақсад бўлганлигини таъкидланган. Иккинчи давр эса орифлик даври деб номланади ҳамда IX асрнинг ўрталаридан бошланади. Иккинчи даврда фалсафий мушоҳадага эътибор кучаяди⁹. Фаридуддин Аттор иккинчи даврга тегишли мутасаввиф ҳисобланади.

Фаридуддин Аттор 1145 йил зиёли оиласида таваллуд топган. Файласуф Рустам Шодиев “Ахлоқи инсон дор талқини Фаридуддини Аттор” рисоласида куйидаги фикрни келтиради: “Фаридуддин Атторнинг отаси Иброҳим ўз даврининг машҳур атторлик дўконига эга шахсларидан бири бўлган. Иброҳим ҳалол, камтарин, эътиқодли кишилардан бири бўлиб, ўз дўконига тинмай меҳнат қиларди. Фаридуддин Атторнинг онаси саводли аёллардан бўлиб, ўғлига бошланғич таълимни берган”¹⁰.

Фаридуддин Аттор онаси тўғрисида “Хусравнома” асарида куйидаги фикрни келтирган:

Маро гар буд унсе дар замона,
Ба модар буд ў рафт аз миёна.
Агарчи Робиа сад Таҳамтан буд,
Валекин сония он шерзан буд.¹¹

Мазмуни: Ўша даврда менга энг яқин бўлган инсон онам эдилар, у киши орадан кетиб қолдилар (М.С. вафот этдилар), гарчи Робия юзта Таҳамтанга тенг бўлса ҳам, мени онам ундан кейин аёлларнинг шери эди.

Фаридуддин Атторни дунёга келтирган мўътабар аёл Робиа Адавияга тенг турган маърифатли инсон бўлганлигини, Робиа Адавия тасаввуфда илоҳий ишқ куйчиси сифатида жуда машҳур бўлганлиги эътироф этилади. Фаридуддин Аттор “Хусравнома” асарида Робияни Таҳамтан эканлигини ёзмақда. “Таҳамтан” сўзини Аттор катта ҳарф билан ёзади ва бу билан Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асаридаги Рустам образи номларидан бирига¹² ишора қилиб, Робияни қўрқмас, жасоратли, паҳлавон эканлигини кўрсатади ва онасини Робиядан кейинги қўрқмас, жасоратли, шерюрак эканлигини тавсифлайди.

Фаридуддин Аттор ёшлигидан билимли, интилувчан, одобли, қалби пок инсон бўлиб улғаяди. Бундай фазилатлар унга бевосита она сути ва ота намунаси орқали ўтади. Отасининг атторлик дўконига сўфийлар тўпланиб, турли мавзуларда суҳбатлар ташкил этганлар. Фаридуддин Аттор мана шу суҳбатлар таъсирида тарбияланади. У ёшлигидан тасаввуф ғояларига меҳр кўяди. Отаси вафотидан сўнг оила тебратиш унинг бўйнига тушади. У дўконда отасининг ишини давом эттиради. Ёшлигидан нафақат диний

⁹ Қаранг: Комилов Н. Тасаввуф. –Т.: Movarounnahr-O'zbekiston, 2009. – Б. 310-333.

¹⁰ Шодиев Р. Ахлоқи инсоний дор талқини Фаридуддини Аттор. -Самарқанд: Шўъбаи Самарқандии Адабиёти ва санъат ба номи Ғафур Ғулом, 1991. – Б. 5.

¹¹ Аттор Фаридуддин. Хусравнома. -Душанбе: Ирфон, 1990. – С. 366.

¹² Фарҳанги забони тожик. Т.2. - М.: Советская энциклопедия, 1969. – С. 354.

билимлар, балки дунёвий билимлардан бохабар бўлгани унга атторлик ишини муваффақият билан амалга оширишга имкон беради. Фаридуддин Аттор, айниқса, одамлар дардига шифо бўладиган дориларни кунт билан ўрганади, уларни тайёрлаб кишилар дардига малҳам бўлади. Фаридуддин Аттор фаросатли шахс бўлиб, ўз замонасининг обрўли кишиларидан бири сифатида машҳур бўлган. Унинг ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган воқеа содир бўлиб, ушбу воқеадан жуда таъсирланади¹³. Натижада моддийлик билан бирга маънавий, яъни қалбини тарбиялашни, ўз нафсини жиловлашни, яхшилик қилиб инсонлар дардига малҳам бўлишни мақсад қилади. Шарқшунос олим Е. Бертельс фикрича, Фаридуддин Аттор кўп саёҳат қилган, саёҳатдан келиб уйланади ҳамда “Азиз ўғлимга маслаҳат” рисоласини ёзади. Фаридуддин Аттор тасаввуф йўлига кирар экан, таркидунёчилик йўлини танламади. Ўзининг севган касби билан шуғулланиб, тасаввуф илмига оид асарларни ёзади. Бу фикрни Фаридуддин Атторнинг қуйидаги мисралари исботлайди .

“Мусибатнома” к-андўҳе чаҳон аст,
“Илоҳийнома” к-асрори ниҳон аст,
Ба доруҳона кардам ҳар ду оғоз,
Чи гуям зуд растам з-ину он боз¹⁴.

Мазмуни: “Мусибатнома” жаҳон қайғуси, “Илоҳийнома” эса яширинган сирлар китоби, ушбу китобларни дорихонада ёзишни бошладим ҳамда тез орада ёзиб тугатдим.

Диссертацияда Фаридуддин Атторнинг тасаввуф тариқатларига муносабати таҳлил этилган бўлиб, Алишер Навоий Мажидиддин Бағдодий Фаридуддин Атторнинг устози эканлигини таъкидлаган¹⁵. Мажидиддин Бағдодий Фаридуддин Аттор билан Нишопурда учрашган. Давлатшоҳ Самарқандий маълумотига кўра ҳам Фаридуддин Аттор хирқани Мажидиддин Бағдодий қўлидан олган. Мажидиддин Бағдодийнинг табиб, рубоийнавис шоир ва Нажмиддин Кубронинг энг иқтидорли шогирди сифатида Фаридуддин Атторга устоз бўлганини ва Фаридуддин Аттор у кишининг қўлидан хирқани олганини инобатга олган ҳолда ишонч билан Фаридуддин Атторни кубровия таълимотини қабул қилган мутасаввиф деб айтиш мумкин, деган хулосага келинган. Диссертацияда Нажмиддин Кубро ватанпарварлик, жасорат рамзи бўлиб мўғулларга қандай қаршилик қилган бўлса, Фаридуддин Аттор ҳам мўғулларга қарши мардонавор турган, уларнинг жаҳолат қиличидан шарафли ўлим топганлиги кўрсатилган. Бу ўхшашлик ҳам Нажмиддин Кубро ва Фаридуддин Атторнинг рухий боғлиқлигини кўрсатади. Фаридуддин Аттор 1221 йил Нишопурда мўғуллар босқини вақтида ҳалок бўлади.

Маълумотларни тарихийлик ва мантиқийлик нуқтаи назардан таҳлил этиб, баъзи манбаларда машҳур Жалолиддин Румий Фаридуддин Атторнинг

¹³ Навоий Алишер. Насойим ул мухаббат. С. Рафиддинов таржимаси. Мукамал асарлар тўплами. 17-жилд . -Т.: Фан, 2001. – Б. 459-462.

¹⁴ Аттор Фаридуддин. Хусравнома. -Душанба: Ирфон, 1990. - С. 43.

¹⁵ Навоий Алишер. Насойим ул мухаббат. С. Рафиддинов таржимаси. Мукамал асарлар тўплами. 17-жилд . -Т.: Фан, 2001. -Б. 459.

Увайсий¹⁶ бўлганлари тўғрисида таъкидлаган: “Шайх Мансур Ҳаллож нури юз эллик йилдан сўнгра Шайх Фаридуддин Аттор руҳига тажаллий қилди ва унинг мураббийси бўлибдир”, деб ёзади¹⁷. Бироқ Мансур Ҳаллож 857-922 йилларда яшаганлигини инобатга олиб, Фаридуддин Аттор 223 йилдан сўнг дунёга келган натижада 150 йил эмас, балки 250 йилдан сўнг Мансур Ҳаллож руҳи тажаллий қилди ва унинг мураббийси бўлди, деган фикр тарихийлик ва мантиқийлик нуқтаи назаридан тўғри бўлади. Бу борада Хельмут Риттернинг ҳам “Ислом энциклопедияси”да “Мансур Ҳаллож нури беш юз йилдан сўнг Фаридуддин Атторнинг руҳида тажаллий этган”, деган фикри мунозарали, деган хулосага келинган.

Фаридуддин Аттор ўзидан бой маънавий мерос қолдиради. Унинг асарларида ижтимоий-фалсафа, ахлоқ, антропология, илми нужумга оид маълумотлар таҳлил қилинган. Мутасаввифнинг барча асарларида фалсафий-ирфоний ғоялар, ижтимоий масалалар, жамият ҳаётини яхшилашга қаратилган фикр-мулоҳазалар баён этилган. Фаридуддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё”, “Асрорнома”, “Мантиқ ут-тайр”, “Илоҳийнома”, “Булбулнома”, “Панднома”, “Уштурнома”, “Хусравнома”, “Ҳаётнома”, “Жавҳар уз-зот” каби асарлари таҳлил этилиб, мутафаккирнинг ижтимоий-фалсафий ғояларини ёритишда ушбу асарлар методологик аҳамият касб этиши диссертацияда кўрсатилган.

Фаридуддин Аттор “Тазкират ул-авлиё” асарида валийлар ҳаёти ва ҳикматли сўзлари ёрдами билан инсонларни дунё мол-мулкига берилмасликка чақириб, кишиларнинг тенг ҳуқуқчилиги ғоясини илгари суради ва жамиятда барча кишиларни лутфу карамга лойиқ деб, таъкидлайди. Ҳукмдорнинг тахтда ўтириб олиб, шаҳар ва қишлоқларни бошқариши мақсадга мувофиқ эмаслигини уқтиради, ўз халқи аҳволидан хабардор ҳукмдорларни қадрлаш кераклигини таъкидлайди. Ўз лавозимини суиистеъмол қилган амалдорларни қоралайди.

“Мантиқ ут-тайр” асарида Фаридуддин Аттор инсон ижтимоийлашув жараёнининг босқичларини таърифлаган. Диссертацияда гўдаклик, болалик, ўспиринлик, ўсмирлик, ёшлик, ўрта ёшлик, қарилик каби инсон камолот босқичларини Фаридуддин Аттор кўрсатиб ўтган етти водийга қиёсланган. Ҳудҳудни ҳақиқий муршид сифатида қушларга илм босқичларидан бенуқсон ўтиши учун уларга панду-насихатлар қилишини “устоз-шогирдлик” мактаби билан қиёсланган. Бу босқичлардан ўтиш кишилардан сабр, матонат, ирода, чидамлилиқ, куч-ғайрат талаб қилиши кўрсатилган. Ким устозни панду насихатига қулоқ солса, у ҳақиқатга эришади ҳамда баланд чўққиларни эгаллайди.

Фаридуддин Аттор ўзининг “Мусибатнома”, “Жавҳар уз-зот” ва “Уштурнома” асарларида инсоннинг ўзлигини англаш масаласи, қалбнинг поклиги, нафсни жиловлаш ғояларини эътироф этган бўлса, “Илоҳийнома”да риёкорлик ва худбинлик каби инсонга хос иллатларни қоралайди. Жамиятда бундай кишилар доим инқироз асоси бўлиши ҳақида тўхталади. “Асрорнома”

¹⁶ Изох: “Увайсий” сўзи пайғамбаримиз даврларида яшаган Увайс Қараний номидан олинган.

¹⁷ Навоий Алишер. Насойим ул мухаббат. С. Рафиддинов таржимаси. Мукаммал асарлар тўплами. 17-жилд . -Т.: Фан, 2001. - Б. 459.

асарида ҳам ижтимоий масалалар назардан четда қолмаган. Бу масалалар мазлум кишига ҳеч адоват қилмаслик, ҳасад ва хусуматдан халос бўлиш, дўст танлашда адашмаслик, нодон кимсалар билан улфат бўлмаслик, синовдан ўтган одамга шубҳа билан қарамаслик, бошқаларга беҳуда дашном бермаслик, турли тортишув ва талашувларга бош қўшмасдан тил ва сир одобини билиш ҳамда фойдали меҳнат билан шуғулланиш кабилардан иборат.

“Панднома” ва “Ҳаётнома” ижтимоий-ахлоқий тамойилларни, инсонларни жамиятда одоб-ахлоқини тартибга солиш учун дастурамал бўлиб хизмат қилувчи қоидаларни ўз ичига қамраб олган ноёб асарлардир. Фаридуддин Аттор “Хусравнома” асарида садоқат, вафо, меҳр-шафқат, соф севги каби жамият учун муҳим бўлган тушунчаларни ифодалаб ўтган. Демак, Фаридуддин Аттор асарларида қуйидаги ижтимоий масалалар: шахсни шаклланишига таъсир этувчи омиллар, ота-онани ҳурмат қилиш ва қадрлаш, оиланинг жамиятдаги ўрни, ҳалол меҳнат қилиш, ижтимоий муносабатларда самимийлик кабилар ёритилган.

“Фаридуддин Аттор таълимотидаги тасаввуфий-ирфоний ғоялар” деб номланган диссертациянинг иккинчи бобида мутасаввифнинг борлиқ, билиш, инсоннинг ўзини-ўзи англаши тўғрисидаги фикрлари таҳлил қилиб берилган. Фаридуддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” асарида борлиқнинг ягоналиги концепциясининг асосларини кўриш мумкин. Бу фикрлар кейинчалик Муҳйиддин ибн ал-Арабий (1165-1240 йй) томонидан шакллантирилган¹⁸.

Фаридуддин Аттор даврида Аллоҳ ва Олам ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг қуйидаги муҳим томонлари мавжуд бўлган:

1. Дастлабки мавжудлик оламга нисбатан трансцендент.
2. Дастлабки мавжудлик мутлақо ягона.
3. Дастлабки мавжудлик барча нарсалар учун асос.
4. Барча нарсалар дастлабки мавжудликка нисбатан катъий иерархик тартибда жойлашган.

Фаридуддин Аттор борлиқ кўринишларини таҳлил этиб, табиий борлиқ тўғрисида фикр юритиб, Аллоҳни нур сифатида тавсифлайди. Табиатнинг турли-туман бўлишини, шу нурнинг акси сифатида тасвирлайди.

Ҳар чи буду ҳастхоҳад буду низ,
Жумла з-он партав гирифтааст исми чиз.
Номи он партав ба Ҳақ жон уфтод,
Ҳарду оламо мадад он уфтод¹⁹.

Мазмуни: нимаики мавжуд эди, мавжуд ва мавжуд бўлади ўз номини яъни моҳиятини ўша нурдан олди. Бу нурнинг номи жонга, яъни руҳга тушди. Бу нур туфайли икки олам пайдо бўлди.

Диссертацияда Фаридуддин Атторнинг нур ҳақидаги ғоялари таҳлил этилиб, унинг қарашларига мувофиқ нур барча кичик зарраларни қамраб олди, унинг порлаши натижасида само пайдо бўлди, деган фикрга келинган. Само порлаши натижасида осмон ва юлдузлар юзага келади. Осмон ва

¹⁸Қаранг: Комилов Н. Тасаввуф. –Т.: Movarounnahr-O'zbekiston, 2009. –Б. 310-333.

¹⁹ Аттор Фаридуддин. Мусибатнома. Бо эхтимони Нурони Висол/ Ф. Аттор. –Техрон. 1328. – С. 358.

юлдузлар ёрқин порлаши натижасида олов, тупроқ, сув ва ҳаво пайдо бўлганидан сўнг порлаш тўхтаб қолади ҳамда улар бир-бири билан аралашиб, қушлар, ҳайвонлар ва ўсимликлар дунёси пайдо бўлади, деган хулосага келинган.

Фаридуддин Аттор оламнинг чегаралари йўқ, яъни макон ва замон жиҳатдан чексиз, ҳаракатда, деб тасаввур қилган:

Чунон аввалки, пешони кўринмас,
Чунон охири, поёни кўринмас²⁰.

Фаридуддин Аттор борлиқнинг кўринишларидан бири олами кабир ҳақида тўхталиб ўтган. Бу маълумотни исботи сифатида диссертацияда “Асрорнома” асаридаги қуйидаги мисралар келтирилган:

Фалакда неча юлдуз борки, равшан,
Заминдан бир юзу ўн қарра улкан²¹.

Аттор осмондаги юлдузлар ердан бир юзнинг ўнинчи даражасигача катта эканлигини ушбу мисрасида берилган. Ер учун ёруғ ва яқин юлдуз Қуёш ҳисобланади. Астрономия фани маълумотига қараганда, қуёш диаметрига 109 та Ер сайёрасидай халқа сиғишар экан. Бу маълумот ҳақида саккиз аср олдин Фаридуддин Аттор хабар берганлиги таъкидланган.

Фаридуддин Аттор инсон борлиғи масаласига алоҳида урғу берган:

Тан арқонига мағз маъдан эрур бот,
Келур мағзу маъдандин наботот.
Келур сўнгра наботот ичра ҳайвон,
Кейин ул мағзи ҳайвон ичра инсон²².

Фаридуддин Аттор бу тўртлигини таҳлил этиб, мутафаккир одамни босқичма-босқич пайдо бўлиши тўғрисида фикр билдирган, яъни олдин маъдан, сўнгра ўсимлик, кейин ҳайвон ва ниҳоят, инсон шаклланган. Бу жараён узоқ муддатни ўз ичига олиб, Ҳақнинг таъсири остида ривожланади. Нимаики мавжуд, бу нурнинг порлаши асосида юзага келади. Инсон пайдо бўлганидан сўнг жараён тўхталиб қолади. Энди инсон ўз навбатида нур даражасига кўтарилиши лозим. Бироқ одам бир вақтнинг ўзида руҳий ва жисмоний, ижобий ва салбий хусусиятларга эга экан, улар ўртасида доимий зиддият, кураш мавжуд. Шайх оламда макро ва микро дунё мавжудки, микро дунё бу инсон, макро дунё эса уни яратувчисидир, деб билган.

Фаридуддин Аттор ижтимоий борлиқ масаласига алоҳида урғу беради. Жамиятнинг иерархик тузилганлиги, инсонлар меҳнати туфайли жамиятда ўз мавқеига эришиши тўғрисида таъкидлайди. “Адолатли шоҳ” концепциясини ўз ҳикояларида асос қилиб олади ҳамда барча орзу-истакларини адолатпарвар шоҳ билан боғлаган. Ижтимоий адолат масаласини эътироф этади.

Фаридуддин Аттор “Мантиқ ут-тайр” асарида инсон ўзини англаши учун саёҳатга чиққан киши бир неча водийларни бирма-бир ўтиши лозим, деб таъкидлайди. Булар қуйидагилардир: Талаб (қидирув), Ишқ (муҳаббат),

²⁰ Аттор Фаридуддин. Асрорнома. Жамол Камол таржимаси. -Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. -Б. 36.

²¹ Аттор Фаридуддин. Асрорнома. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. - Б. 186.

²² Аттор Фаридуддин. Асрорнома. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. - Б. 125-126.

Маърифат (билиш), Истиғно (бефарқлик), Тавхид (бирлик), Ҳайрат (ажабланиш), Факр-у фано (қашшоқлик ва йўқлик). Сепехр Газимур, Масъуд Афшари-Мофрад, Ғулом Али Монтазир, Мона Рашидирад тадқиқотларида герменевтик усул ёрдамида Фаридуддин Атторнинг етти водийсини инсоният жамияти тараққиётининг етти кўриниши билан қиёслаганлар. Улар қуйидагилар: қабила даври, қишлоқ хўжалиги даври, саноат даври, ахборот даври, технологик яқинлик даври, интеллект даври, постгуманизм даври²³.

Мутафаккир фалсафанинг фундаментал муаммолари: Аллоҳ ва олам муносабатлари, бир вақтдаги Аллоҳнинг оламдаги трансцендентлик ва имманентлик дилеммаси, ўзини-ўзи англаш ва Аллоҳни англаш муаммоси ва бошқа масалаларни тадқиқ этган.

Фаридуддин Аттор “Мусибатнома” асарида билишнинг босқичларини кўрсатиб ўтган. Бу босқичлар қуйидагилардан иборат: ҳис-туйғу, тасаввур, ақл, қалб ва руҳ²⁴. “Ҳаётнома” асарида Фаридуддин Аттор ақл ва илмга алоҳида эътибор берган. Фаридуддин Аттор асарларида билишнинг ҳиссий, рационал ва иррационал даражаларини таҳлил қилинган.

Тадқиқотчи Аттор томонидан “Манتيқ ут-тайр” асарида келтирилган “Аҳли пок” концепциясини таҳлил қилиб берган.

Диссертациянинг учинчи боби **“Фаридуддин Атторнинг ижтимоий-ахлоқий масалаларга муносабати”** деб номланиб, мутафаккир унда жамиятда тинчлик, аҳилликни таъминлашда ҳамда жамият тараққиёти учун зарурий бўлган инсоний фазилатлар ва уни таназзулга келтирувчи иллатлар, тарбия масаласи, футувват ҳақидаги ғоялари таҳлили берилган. Фаридуддин Атторнинг ахлоқий қарашлари барча асарларида, хусусан, “Тазкират ул-авлиё”, “Асрорнома”, “Панднома”, “Ҳаётнома”да ўз аксини топган. Мутасаввиф “Ҳаётнома” асарида инсонни камолотга олиб боровчи фазилатларга ақл, илм, ҳилм, шукр ва сабрни, инсонни тубанлашувига олиб келувчи иллатларга эса таъма, ҳасад, бахиллик, ҳирс ва кибрни киритади. Мазкур асар ўзбек тилига таржима қилиниб, диссертация ишида фойдаланилган ҳамда “Ҳаётнома” асари Фаридуддин Атторга тегишли эканлиги асослаб берилган.

Фаридуддин Аттор ўз асарларида баён қилган яна бир тушунча футувват бўлиб, унинг маъноси шундан иборатки, ҳамма инсонлар манфаати ва эҳтиёжини ўзидан афзал билиб, фақат эзгуликни ўйлаб, ўзини камтарин тутиб, нарсаларни ўзгалар билан бўлишиб, гўзал хулқ-атворли, кибрни тарк этиб, муҳтожлар ҳожатини чиқаришга қаратилган саъй-ҳаракатлар мажмуидир. Бундай саъй-ҳаракатларни қиладиган инсон зоҳиран ва ботинан пок бўлиб, қалбини иллатлардан холи қилиши керак, деган фикр таъкидланган.

“Қавоид ул-футувват” (“Футувват қоидалари”) номли китобда қуйидаги байтлар Фаридуддин Атторга нисбат берилади:

Кўнгил кўзи футувват бирла равшан,

²³ Sepehr Ghazinoory, Masoud Afshari-Mofrad, Gholam Ali Montazer, Mona Rashidirad. Attar's Seven Valleys of Love and Seven Waves of Human Society: A Hermeneutical Perspective/ Bulletin of the georgian national academy of sciences. 2013. vol. 7, no. 3

²⁴ Аттор Фаридуддин. Мусибатнома. Бо эҳтимони Нуруни Висол/ Ф. Аттор. -Техрон, 1328. – С. 55-75.

Ва жон боғи футувват бирла гулшан.

Агар сен ушбу илмни забт этарсан,

Сафо офтобидай балқиб кетарсан²⁵.

Фаридуддин Аттор футувват жамиятда кишилар ўртасидаги аҳиллик, ҳамкорлик, бирдамлик, ҳамжиҳатлик, хотиржамликни таъминлайди, самимий муносабатлар ҳукмрон бўлишига олиб келади, деган фикрни илгари суради. Футувват аҳли халқ ичидан чиққан хунармандлар, ижод аҳли, паҳлавонлар, кизикчилар, дорбозлар, айрим ҳолларда савдогар ва бошқа тоифа вакиллари билан иборат бўлган. Фаридуддин Аттор бундай кишиларни кунт билан ўрганиб, ўз асарларида тавсиф этган.

Инсон тарбияси ва камолотга эришишида муҳим аҳамият касб этадиган футувват масаласи Фаридуддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё”, “Футувватномаи манзум”, “Асрорнома” асарларида кўрсатиб берилган. “Асрорнома”нинг йигирма биринчи мақоласидаги фикрлар ахлоқни тозалашга сафарбар этилган.

Фаридуддин Аттор футувватнинг тўрт даражасини кўрсатиб ўтган.

Биринчи даражаси ўзида бор нарсани бошқаларга раво кўриш;

Иккинчиси, қалбни манманликдан озод қилиш;

Учинчиси, доим инсонлар, айниқса, хўрланган, бечора кишилар хизматида бўлиш;

Тўртинчиси, нафс устидан ғалаба қозониш.

ХУЛОСА

Олиб борилган тадқиқот натижалари қуйидаги назарий хулосаларни чиқаришга имкон беради:

1. Фаридуддин Аттор яшаган даврда ақлий ёндашув етакчилик қилган. Тасаввуф аҳли таълимотларида олам тузилиши, унда инсоннинг ўрни, олам ва одамнинг ўзаро алоқаси, борлиқ тўғрисидаги фикрлар ўз аксини топган. Фаридуддин Аттор яшаган даврда масжид, мадраса, кутубхоналар фаолияти яхши йўлга қўйилган, диний ва дунёвий билимлар ривожланган.

2. Фаридуддин Аттор шахс сифатида шаклланишида, аввало, унга тарбия берган ота-онаси ва устозлари муҳим ўрин тутди. Фаридуддин Аттор Мажидиддин Бағдодийдан тасаввуф илмини ўрганиб, унинг кўлидан хирқани олган. Мажидиддин Бағдодийни Нажмиддин Кубронинг энг иқтидорли шогирди сифатида Фаридуддин Атторга устоз бўлгани ва кўлидан хирқани олганлиги учун, Аттор кубровия таълимотини қабул қилган.

3. Фаридуддин Аттор фалсафанинг фундаментал муаммолари: Аллоҳ ва олам муносабатлари, бир вақтдаги Аллоҳнинг оламдаги трансцендентлик ва имманентлик дилеммаси, ўзини-ўзи англаш ва Аллоҳни англаш муаммоси ҳамда бошқа масалаларни тадқиқ этган. Аттор асарларидаги моҳият Ҳақиқатга эришиш учун ёпилган пардаларни очишга хизмат қилади.

4. Фаридуддин Аттор таълимотида ҳиссий, рационал ва иррационал билиш усуллари билан фойдаланган ҳолда инсоннинг ўзлигини англаш

²⁵Кошифий Хусайн Воиз. Футувватномаи султоний; Ахлоқий Мухсиний. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2011. -Б.15.

масаласи очиб берилган. Маърифат орқали олам, муҳаббат орқали эса қалб сир-асрорларини тушуниш мумкинлигига урғу берилган.

5. Фаридуддин Аттор асарларида ижтимоий масалалар: шахсни шаклланишига таъсир этувчи омиллар, ота-онани ҳурмат қилиш ва қадрлаш, оиланинг жамиятдаги ўрни, аёллар масаласи, ҳалол меҳнат қилиш, ижтимоий муносабатларда самимийлик каби муаммолар ечими кўрсатилган.

6. “Ҳаётнома” асарини таржима қилиш натижасида Фаридуддин Аттор инсонни камолотга олиб борувчи фазилатларга: ақл, илм, ҳилм, шукр ва сабрни, инсонни тубанлашувига олиб келувчи иллатларга: тамаъ, ҳасад, бахиллик, ҳирс ва кибрни киритган ҳамда хикоялар орқали бу хусусиятларнинг жамият ва инсониятга таъсирини очиб берган. Фаридуддин Аттор улуғлаган фазилатларни ёш авлоднинг онгига сингдириш уларни баркамол инсон бўлиб тарбияланишига кўмак беради ва жамият ривожининг асосий омили сифатида хизмат қилади.

7. Футувват-мардлик тариқати, ўзаро ёрдам, мурувват ва меҳрибонлик кўрсатиш, фидойилик ва фидокорлик илмидир. Фаридуддин Аттор жавонмардлик тариқатининг куйчиси бўлиб, футувватни ҳам назарий, ҳам амалий нуқтаи назардан ривожлантиришга эришди. У илгари сурган ғоялар жамиятда тинчлик, аҳилликни барқарор этишга ёрдам беради.

Юқорида келтирилган хулосаларга асосланиб, қуйидаги тавсиялар бериш таклиф этилади:

- кенг китобхонлар оммаси учун Фаридуддин Аттор асарларининг электрон каталогини ишлаб чиқиш;

- “Абу Али ибн Сино ва Фаридуддин Аттор”, “Муҳаммад Ғаззолий ва Фаридуддин Аттор”, “Фаридуддин Аттор ва Жалолиддин Румий” мавзуларида рисоалар тайёрлаш ва нашр этириш;

- Фаридуддин Атторнинг “Ҳаётнома” асарини ўзбек тилидаги таржимасини нашр этиш ва ундаги ғояларни “Тарбия” дарсларига киритиш;

- Фаридуддин Атторнинг “Панднома” асарини таълим-тарбия жараёнида ўрганишни ташкил этиш.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/27.02.2020.F.72.08
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

БУХАРСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

МУРАДОВ САНЖАР АСЛОНОВИЧ

СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКИЕ ИДЕИ ФАРИДУДДИНА АТТОРА

09.00.03 – История философии

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА
ФИЛОСОФИИ (PHD) ПО ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

Бухара – 2021

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) зарегистрирована Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2020.1.PhD/Fal410

Диссертация выполнена в Бухарском инженерно-технологическом институте
Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) на веб-странице Научного совета (www.buxdu.uz) и по адресу (www.ziynet.uz) информационно-образовательного портала «ZiyoNet».

Научный руководитель: **Наврузова Гулчехра Негматовна**
доктор философских наук, профессор

Официальные оппоненты: **Шодиев Рустам Тохирович**
доктор философских наук, профессор

Ахмедова Зебинисо Азизовна
кандидат философских наук, доцент

Ведущая организация: **Ташкентский государственный университет востоковедения**

Защита диссертации состоится « 8 » июня 2021 г. в « 10⁰⁰ » часов на заседании Научного совета PhD.03/27.02.2020.F.72.08 при Бухарском государственном университете. (Адрес: 200114, г. Бухара, ул. М. Икбол, 11. Тел.: +99865221-29-14; факс: +99865221-27-07 e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного университета (зарегистрирован под № 63). (Адрес: 200114, г. Бухара, ул. М. Икбол, 11. Тел.: +99865221-29-14).

Автореферат разослан « 23 » июня 2021 года.
(Протокол реестра № 2 от 23 июня 2021 года).



Шодмонов К.Б.
Заместитель председателя научного совета по присуждению учёной степени, доктор философских наук, профессор

Шарипов А.З.
Учёный секретарь научного совета по присуждению учёной степени, кандидат философских наук, доцент

Саломова Х.Ю.
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор философских наук

ВВЕДЕНИЕ (аннотация докторской (PhD) диссертации)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В развитии духовно-нравственного образа народов мира постоянное внимание уделяется изучению социально-философских, религиозно-просветительских, гуманистических вопросов, а также укреплению между членами общества, особенно молодежи, позитивного отношения к общечеловеческим ценностям, рассматриваемым сквозь призму духовно-нравственных идей. В частности, учения великого мыслителя Фаридуддина Аттора, который внес значительный вклад в развитие учения тасаввуф и философского наследия об этапах совершенствования человека, о структуре человеческого самосознания в социальном бытии, об отношении учителя и ученика, о нравственных принципах и анализе идеи «футувват» играет конструктивную роль в борьбе с такими пороками как «эгоизм», «нравственная распушенность» и «ксенофобия».

В мировой науке ведутся обширные исследования духовного наследия мыслителей Востока. Подобные исследования сегодня приобретают постгуманистическое значение для развития процессов культурной интеграции, сохранения универсальных философских традиций. В частности, в работах Фаридуддина Аттора особое внимание уделяется развитию научно-обоснованных идей по вопросам формирования совершенного человека, прекрасных человеческих качеств, взаимосвязь разума и любви, обеспечения мира, гармонии, умиротворения в общественной жизни, и эти взгляды требуют системного изучения и научного исследования в этом направлении.

В результате проводимых в нашей стране реформ в научной, духовной и культурной сферах особое внимание уделяется изучению научного и духовного наследия наших всемирно известных ученых и мыслителей, их социально-философских идей. «Уникальное и неповторимое научное и духовное наследие наших великих предков должно стать для нас жизненно важной программой. Это бессмертное наследие всегда будет с нами и всегда будет источником силы и вдохновения для нас»¹. С этой точки зрения возникает необходимость дальнейшего углубления научных исследований духовного наследия наших предков в социально-философском направлении.

Данная диссертационное исследование в определенной степени, способствует выполнению задач, поставленных в Указах Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года УП-4947 «О стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан», от 6 ноября 2020 года УП-6108 «О мерах по развитию сфер образования и воспитания, и науки в новый период развития Узбекистана», и Постановлениях Президента Республики Узбекистан от 24 мая 2017 года ПП-2995 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников», от 4 сентября 2019 года ПП-4436 «О

¹ Мирзиёев Ш.М. Ўқитувчи ва мураббийлар-янги Ўзбекистонни барпо этишда катта куч, таянч ва суянчимиздир.//. Халқ сўзи. 1 октябрь 2020 йил. №207 (7709).

дополнительных мерах по совершенствованию деятельности религиозно-образовательной сферы», от 26 марта 2021 года ПП- 5040 «О мерах по коренному совершенствованию системы духовно-просветительской работы», а также для выполнения задач, поставленных в других нормативных правовых актах по данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Формирование системы социальных, правовых, экономических инновационных идей информационного общества и демократического государства и пути их реализации».

Степень изученности проблемы. В мировом мистицизме ряд ученых провели исследования работ Фаридуддина Аттора. В частности, западные ученые Э. Браун, Дж.С.Тримингем, Х.Эте, Р.Гельмут, А.Шиммель, Г. де Тасси, Я. Рипка, А.Кныш, Л. Яковлев, К.Эрнст, Идрис Шах, Э. Бертельс, М. Степанянц, И. Петрушевский, А. Крымский, А.М. Багоутдинов² осуществили существенные исследования творчества мыслителя.

Первые сведения о Фаридуддине Атторе содержатся в труде «Лубоб-уль-албоб» Мухаммада Авфи Бухари, в «Тарихи Джахонкушо» Атомалика Джувейни, в «Газкират-уш шуаро» Давлатшаха Самарканди, в «Газкират-уш шуаро» Махмуда Шабустари «Гулшани роз», «Нафахот ул-унс» Абдурахмана Джами. Алишер Навои, вдохновившись работами Фаридуддина Аттора, описал его как «обладателя благородства и чистоты»³ и оставил ценные сведения о мыслителе.

Персидско-таджикский философы Лутф Озар, Б. Фурузонфар, С. Нафиси, А. Азом, А. Мухамедходжаев⁴ дали ценные сведения не только о литературном наследии Фаридуддина Аттора, но и о его социально-философских идеях.

По духовному наследию Фаридуддина Аттора проводили ряд исследований такие ученые как У. Худжова, С. Зыкаева, М. Умедов, М. Окилова, М. Низомов, Ф.А. Каюмова, Реза Яздани М.А. Аземун, Ю.Е. Федорова.⁵

В нашей стране особо вырос интерес к личности и творчеству Фаридуддина Аттора. Такие известные ученые-филологи как Н.Комилов, С. Олим, И. Хаккул, Х. Хамиди, Ж. Камол, М. Кенжабек изучили различные аспекты творчества Фаридуддина Аттора⁶. Заслуживает отдельного внимания

²Тримингэм Дж.С. Суфийские ордены в исламе. Перевод с английского. О.Ф.Акимушкина – М.: София ИД Гомес, 2002. - 480 с.; Кныш А. Мусульманский мистицизм. Москва-Санкт-Петербург: Диля, 2004. -С 173; Идрис Шах. Суфии. -М.: Феникс, 2001.

³ Навоий Алишер. Насойим ул-мухаббат. С. Рафиддинов таржимаси. Мукаммал асарлар тўплами. 17-жилд . - Т.: Фан, 2001. –Б. 459-462.

⁴ Фурузонфар Бадеуззамон. Шахри ахвол ва нуқд ва тахлили осори Фаридиддин Мухаммад Аттори Нишобурий. -Техрон, 1339 х.;

⁵ Аземун М.А. Мистико-философские учение Фаридуддина Аттора: Автореф. дисс...конд. филос. наук. - Душанбе. 2012. -24 с.; Федорова Ю. Е. Проблема истины в философской поэме Фари ад-дина Аттора «Язык птиц»: Автореф. дисс...конд. филос. наук. -Москва. 2012. -28 с.

⁶ Комилов Н. Тасаввуф. –Т.: Movarounnahr-O'zbekiston. 2009, –Б. 310-333.

